O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON VILOYATI
IZBOSKAN TUMANI
HOKIMINING QARORI
171200, Poytug' sh. Naqshband ko'chasi, 19.
Тел : 312-25-15. e-mail: izboskan@andijan.uz

РЕШЕНИЕ ХОКИМА
ИЗБАСКАНКОГО РАЙОНА АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
171200. г. Пайтуг, ул. им Накшбанд, 19.
Тел : 312-25-15. e-mail: izboskan@andijan.uz

2019 йил "26" август 2539 - Қ

2019-2020 ўқув йилида ўқувчилар сони ортиб кетган мактабларнинг 1-синфига истисно тариқасида қабул қилиш ҳақида

NUSXA KO'CHIRISH VA KO'CHIRMA OLISH MAN ETILADI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 9-сонли видеоселектор йиғилиш баёни 2-иловасига асосан, Избоскан туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактабларда 2019-2020 ўқув йилида ўқувчилар сони қувватига нисбатан ортиб кетиши кутилаётган умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфига ўқувчиларни истисно тариқасида бириктирилган микроҳудуддан қабул қилиш қоидаларини белгилаш ҳамда Избоскан туман халқ таълими бўлимининг 2019 йил 27 май кунги 279/01-17 сонли алоқатини ўрганиб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман халқ таълими бўлимининг туман ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг хисобини олиш ҳамда 2019-2020 ўқув йилида ўқувчилар сони қувватига нисбатан ортиб кетган мактабларнинг 1-синфига истисно тариқасида қабул қилишни ҳисобга олган холда, янги микроҳудудларни аниқ кўрсатиб бериш ҳақидаги 2019 йил 27 май кунги 279/01-17-сонли хати инобатга олинсин;
2. Тумандаги мавжуд умумтаълим мактабларини махалла фуқаролар йиғинлари бўйича микроҳудудларга бириктирилиши 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши (Қ.Бўстонов)га:

- махалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан 3 кун муддатда ўз ҳудудларига мактаб маъмуриятига кўчалар номлари аниқ кўрсатилган (дислокация) рўйхатини тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман халқ таълими бўлими (С.Ғофуров)га:

- тумандаги 2, 5, 8, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 19, 20, 24, 27, 29, 31, 32, 36, 37, 38, 42, ва 49-умумтаълим мактабларининг 1-синфига ўқувчиларни

истисно тариқасида бириктирилган микроҳудуддан қабул қилиш қатъиан белгилаб қўйилсин;

- бириктирилган ҳудуддаги 0-18 ёшли болаларни тўла мажбурий таълимга жалб этиш;
- хатлов натижаларини тахлил қилиб мактаб ёшидаги болаларни тўла мажбурий таълимга жалб этиш;
- мактаб қувватидан ортиб кетган умумтаълим мактабларига қўшимча бино қуриш ва дастурга киритиш тўғрисида таклифларини туман ҳокимлигига киритиш ва мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўз микроҳудудидан қабул қилиш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Джурабоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Исмоилов**